

ҒЎЗА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ФУЗИКОКЦИН ПРЕПАРАТИНИНГ ТАЪСИРИ

А. Ботиров
Б.ф.н, доцент
А. Тўхтабоев.
доцент
Андижон қишлоқ хўжалик ва
агротехнологиялар институти

EFFECT OF FUSICOXIN ON COTTON YIELD

A. Botirov
Bfn, Associate Professor
A. Tokhtaboev.
assistant professor
Andijan agriculture and
Institute of Agricultural Technology

Аннотация: Мақолада Фузикоқцин препаратининг ғўза ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш бўйича дала тажрибаларининг натижаси кўрсатилган. Тажрибалардан маълум бўлдики, фузикоқцин ғўзанинг униб чиқиши, ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиб, ҳосилдорлик кўтарилишига ёрдам беради.

Калит сўзлар: Ғўза, чигит, препарат, биостимулятор, фузикоқцин, дала тажрибаси, ўсиш, ривожланиш, кўсак, ҳосилдорлик.

Аннотация: В статье представлены результаты полевых опытов по изучению действия препарата Фузикоқцина на урожайность хлопчатника. Эксперименты показали, что фузикоқцин положительно влияя на прорастание, рост и развитие, повышает урожайность хлопчатника.

Ключевые слова: хлопок, семена, препарат, биостимулятор, фузикоқцин, полевой опыт, рост, развитие, коробочки, урожайность.

Annotation: The article presents the results of field experiments to study the effect of Fusicoccine on cotton yield. Experiments have shown that fusicoccin, having a positive effect on germination, growth and development, increases the yield of cotton.

Key words: cotton, seeds, preparation, biostimulant, fusicoccin, field experience, growth, development, bolls, yield.

Ўсимликларни гормонал бошқариш ҳақидаги таълимот машҳур олимлар В.Вент, Н. Холодной, К.Тиманн, М.Чайлахянлар томонидан ривожлантирилиб, 20-асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб амалиётда кенг қўлланила бошланди. Гормонал хусусиятга эга моддалар ўсимликлар ҳаёт фаолиятини кимёвий бошқариш имконини беради. Қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш талаб қилинаётган шароитда бундай моддаларга бўлган эътибор ортиб бормокда.

Хозирги даврда юксак ўсимликларнинг морфофизиологик жараёнларига фаол таъсир этувчи жуда кўп синтетик бирикмалар маълум. Бундай моддаларнинг кўпчилиги микроорганизмларнинг ёки ўсимликларнинг ҳаёт фаолияти туфайли ҳосил бўлган маҳсулотлар ичида учрайди. Улар ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланишига таъсир қилиб, ўсишни бошқарувчи биостимулятор ҳисобланади. Ушбу физиологик фаол моддаларнинг муҳим хусусияти шундаки, улар жуда кичик дозаларда ўсимликларга таъсир қилиб, характерли морфофизиологик ўзгаришларни вужудга келтиради, ўсимлик танаси бўйлаб ҳаракатланиб, кимёвий бошқарувни амалга оширади.

Ана шундай биостимуляторлардан бири фузикоцин бўлиб, у *Fusicoccum amygdali* замбуруғининг ҳосиласи ҳисобланади. Кимёвий формуласи - $C_{36}H_{56}O_{12}$. Фузикоцин биостимулятор сифатида қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ошириши кузатилган.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб биз фузикоцинни қўллаб ғўза билан дала тажрибалари ўтказдик. Бунинг учун ғўза чигитига экишдан олдин фузикоциннинг 0,68 мг/л концентрацияли эритмаси билан ишлов берилди.

Тажрибалар Андижон вилояти, Избоскан тумани Охунбобоев массивидаги “Ахмадулло Омади” фермер хўжалигида ўтказилди. Иқлим ёзда нисбатан барқарор, куз ва баҳорда ўзгарувчан, ўртача йиллик ҳарорат 12-14,5 °С орасида бўлади. Қишда совуқ ҳарорат илиқ ҳавога кескин ўзгариши мумкин. Ўртача минимал кўрсаткич қишки даврда -2, -9 °С атрофида ўзгариб туради. Умуман вегетация даврида эффектив ҳарорат 2250-2400⁰ С ни ташкил этиб, ғўза ўстириш учун қулай

хисобланади. Тажриба майдони аввалдан суғориладиган, шўрланмаган, типик бўз тупроқ.

Тажирибалар 2018-йили Андижон-37 нави билан 2 та вариантда, 4 қайтариқда ўтказилди. Минерал ўғитлар меъёри хўжалиқда қабул қилинган меъёрларга мувофиқ бўлди. (250-N, 150-P, 100-K kg/га). Экиш схемаси 60x10-1.

Тажирибалар ишлаб чиқариш шароитида ўтказилди. Тажириба майдони 8 га ни ташкил этди. Ундан ҳисобга олиш майдони ва ўсимликлари ажратиб олинди. Ҳисобга олиш ва кузатишлар ПСУЕАИТИ услубияти бўйича олиб борилди.

Избоскан тумани Охунбобоев массивидаги “Ахмадулло омади” фермер хўжалигида олиб борилган тажириба жараёнида қуйидаги асосий ҳисоблаш ва кузатиш ишлари олиб борилди:

уруғларнинг униши, ҳақиқий барглари сони, ҳосил шохлари сони, ғунча ва гуллар сони, асосий поя баландлиги, , ҳосил элементлари , шу жумладан кўсақларнинг очилиши, ҳосилдорлик ҳисобга олиб борилди.

Булардан ташқари гуллаши ва мева ҳосил бўлиш динамикаси алоҳида ўрганилди. Уруғ сарфи гектарига 86 кг.

Тажириба натижалари:

Тажирибада олиб борилган фенологик кузатишлар шуни кўрсатдики, фузикоқцин ғўзанинг ўсиш ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади, ғўзанинг униб чиқиши, ўсиши, ривожланишини тезлаштиради, ҳосил элементлари кўпаяди. Олинган ҳосил ҳисоблаб кўрилганда фузикоқцин қўлланилган тажириба вариантыда назоратга нисбатан ҳосилдорлик юқори бўлганлиги аниқланди. Натижалар қуйида жадвалларда кўрсатилди.

1-жадвал

Фузикоқциннинг кўсақларнинг очилиш динамикасига таъсири

№	Вариантлар	Кузатиш муддатлари			
		I.09.18		I.I0.18	
		Кўсақларнинг умумий сони	Шу жумладан	Кўсақларнинг умумий	Шу жумладан

			Очилган	Очилма-ган	сони	Очилган	Очилма-ган
1	Назорат (Фузикоқцинсиз)	II,5	8	3,5	12,4	12,4	-
2	Тажриба (Фузикоқцин билан)	13,6	9,0	4,6	14,5	13,0	1,5

Юқорида келтирилган жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, фузикоқцин қўлланилган вариантда кўсақлар сони назоратга нисбатан кўп бўлган. Демак, фузикоқцин ҳосил элементлари кўпайишига таъсир қилади ва уларнинг сонини орттиради.

Тадқиқот натижасига кўра ишонч ҳосил қилдикки, фузикоқцин таъсирида фақатгина вегетатив органлар эмас, балки генератив органлар-симподиал шохлар, шона, гул ва кўсақлар ҳам тажриба вариантыда кўпайиб борди. Бу эса ҳосилдорлик бўйича олинган маълумотларда ўз аксини топди.

2-жадвал

Фузикоқциннинг ғўза ҳосилдорлигига таъсири.

№	Вариантлар	Қайтариқлар				Ўртача	Қўшимча ҳосил, ц/га
		I	II	III	IV		
1	Назорат (Фузикоқцинсиз)	32	30,2	30,5	31,3	31,0	-
2	Тажриба (Фузикоқцин билан)	36,5	35,9	35,2	37,2	36,2	5,2

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, фузикоқцин ғўза ҳосилдорлигини оширади, бизнинг тажрибамизда ҳосилдорлик назоратга нисбатан 5.2 ц\га юқори бўлганлиги кузатилди.

Хулоса қилиб айтганда, фузикоқцин препарати ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши учун қулай шароит яратиш орқали ғўза ҳосилдорлигини оширишга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мананков М.К., Отрудина И.П. Влияние фузикоқцина на некоторые показатели водообмена культурных растений. ВНИИСБ. 1989
2. Муромцев Г.С и другие. Эффективность действия фузикоқцина на с/х культур. Достижения науки и техники АПК. 1990. №2
3. Муромцева Д.Г Механизм действия и особенности физиологической активности фузикоқцина. Автореферат. Ташкент. 1990
4. Галина Дмитриева, Владимир Кузнецов. Физиология растения Том 2 1997
5. Максимова Р.А, Аббасова К.А, Полин А.Н Фузикоқцин-регулятор роста растений 1987
6. Волынец А.П, Шуканов В.П, Полянская С.Н, Манжелесова Н.Е, Корытько Л.А, Литвиновская Р.П Эндогенные фиторегуляторы роста: свойства, физиологическое действие и практическое использование. 2019 год.
7. Бабаков А.В Рецептор фузикоқцина в плазматических мембранах выших растений 1998 год